



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: uzas@mcs.uz 2013-yil 17-may • № 20 (4211)

ИНСОН ҚАДРИ ҲАР НЕДАН АЗИЗ

Ҳар бир эгу ишнинг моҳиятида гўзаллик яшайди. Бир-бирига ниҳоятда эш бўлган бу тушунчалар замирида инсон фарзанди ҳаётига беқийс мазмун-моҳият бағишловчи фазилатлар мужассам. Дунё дунё бўлибдики, ҳалқимиз улуғ фазилатлари, бебаҳо қадриятлари билан ўзларини кашф этиб келади. Истиқлол даврида эса, шу маънода, ҳалқимиз ўзларини қайтадан топди. Ўлмас қадриятлари ва умуминсоний идеалларга садоқатини баралла намойён этиш имконига эга бўлди.

Куни-кеча мамлакатимиз пойтахтидан тортиб, барча шаҳар ва қишлоқларимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланган Хотира ва қадрлаш куни бу ҳақиқатни яна бир бор юрагимиздан ўтказди. Президентимиз ташаббуси билан 9 май — "Хотира ва қадрлаш куни" деб номланганидан бошлаб бу сананинг мазмуни тубдан ўзгарди, асл инсоний моҳият касб этганига бугун ҳар қадамда гувоҳ бўлиб турибмиз. Аввало, қирғинбарот урушда қурбон бўлган миллионлаб одамлар хотираси олдида бош эгиб таъзим қилинадиган, бугун ҳаёт бўлган уруш қатнашчиларига ҳурмат-эҳтиром бажо келтириладиган Хотира майдони чинакам миллий қиёфа касб этгани эътиборни жалб этади. Аввалги қандайдир маъхум гоёи ифода этакдан ёдгорлик ўрнига уруш туйғайи ўз жигарқандларидан айрилган минг-минглаб фидоий оналаримиз қиёфасини акс эттирувчи Мотамса-

ро она ҳайкали ўрнатилгани, урушда шайхид кетган ботир йигитларнинг номлари миллий меъморчилигимиз аъёналарига монанд ҳолда тикланган очиқ айвонлар деворига ўрнатилган зарҳал китобларга ёзиб қўйилгани "Хотира" ва "Қадрлаш" деган соф миллий қадриятнинг асл моҳиятини теран ифода этиб турибди.

Юртимизда инсонни қадрлаш, унинг қадр-қимматини эъозлаш деган тушунча шукроналик туйғусидан мунаввар бўлган ҳар бир қунимизнинг эгу аъмолларига айланган. Шу муносабат билан Президентимиз Ислам Қаримовнинг "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармониға мувофиқ барча уруш қатнашчилари ва ногиронларига пул муқофотлари ва байрам совғалари топширилди. Уларнинг ҳолидан хабар олиш, тиббий-ижтимоий

ёрдам кўрсатиш, умуман иззатини жойига қўйиш ҳалқимизнинг доимий эътиборида эканлиги ҳам "сийланган жойида азиздир инсон" деган пурмаъно ҳикматнинг моҳиятини яққол намойён этади.

— Бугун орамизда бўлган, бизга маънавий ибрат бўлиб юрган барча уруш қатнашчиларини ана шу буюк сана билан чин қалбдан табриклашни ўзим учун катта шараф деб биламан, — деди Юртбошимиз Хотира майдонида оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатда.

— Айни шу кунларда ҳалқимиз уруш даврида бошидан кечирган огир синовларни яна бир бор ҳаёлимиздан ўтказар эканмиз, ўтмиш воқеалари, албатта, барчамизни ўйлантиради ва керакли хулосалар чиқаришга даъват этади.

Бу хулосаларнинг асл моҳияти минтақамизда тинчлик ва осойишталик барқарорлигини сақлаш учун изчиллик билан олиб борилаётган ишларда, ўз озодлиги ва қадр-қиммати учун ҳамиша мардлик ва матонат кўрсатиш ҳалқимизга хос улуғ туйғу, бетақор қадрият сифатида эъоз топаётганида намойён бўлаётди. Инсон қадр-қимматини ҳар нарсадан юксак қўйиш дегани — бу қуруқ шир эмас.

Муносабат

Давоми иккинчи саҳифада.

"Камалак жилоси" кўрик-танлови
ғолиби Достонбек БЕРДИЕВ.



5

ХАЛҚАРО САЊЪАТ БИЕННАЛЕСИ

Бу йил еттинчи мартаба ўтказилиши режалаштирилаётган Тошкент халқаро замонавий санъат биеннаlesi юртимиз маданий ҳаётидаги катта воқеага айланиши, шубҳасиз. Бу ҳақда Халқаро маданият қарвон саройида бўлиб ўтган матбуот анжуманида сўз юритилди. Соҳа мутахассислари, таникли ижодкорлар иштирок этган тадбирда биенналеининг ижодий дастури, иштирокчилар таркиби ҳақида батафсил маълумот берилди. "Турли маданият — ягона дунё" мавзусида ўтиши кутлаётган анжуман октябр ойида "Style.UZ" санъат ҳафталиги доирасида ташкил этилади.

Таъбир

— Тасвирий санъат биеннаlesi ҳақиқий ижод байрами руҳида ўтишига ишончимиз қомил, — деди санъатшунослик фанлари доктори Камола Оқилова. — Танловдан кўзлаган асосий мақсад ўзбек ва хориж рассомлари ўртасида ижодий ҳамкорликни йўлга қўйиш, тасвирий санъат соҳасида эришилаётган янги ютуқларни кўрсатишдан иборат. Шу туйғайи ҳам биенналедан ўрин олган асарлар замонавий тасвирий санъат ҳамда "contemporary art" йўналишларида намойиш этилади. Кўрғазмага тақдим этилган асарлар долзарб мавзуда ишланган бўлиши, инновацион жараёнларни акс эттириши асосий шартлардан биридир. Шунингдек, биеннале доирасида турли кўрғазмалар, маҳорат дарслари, ижодий ўрнрашув ва илмий-амалий конференциялар ўтказилади.

Моҳинур БҮРИЕВА

ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИ

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳаётининг кенгайтирилган йиғилишида Президент Ислам Қаримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиққан ҳолда вазирлик тизимида жорий йилнинг биринчи чорагида амалга оширилган ишлар ҳамда навбатдаги вазифалар кўриб чиқилди. Йиғилишда Маданият ва спорт ишлари вазири Минҳожиддин Ҳожиматов бошқариб борди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан вазирнинг Спорт ишлари бўйича биринчи ўринбосари Жасур Акрамов, Маданият ишлари бўйича биринчи ўринбосари Фотих Жалолов, вазир ўринбосари А.Мусаев, «Ўзбектеатр» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Омонулло Ризаев, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси бош директори Азамат Хайдаров, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори Бахтиёр Сайфуллаевнинг ҳисоботлари тинланди.

Таъкидлаш жоизки, вазирлик тизимида маданият ва оммавий спорт соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, моддий ва номоддий маданий меросимизни тиклаш ва

вий савиясини ошириш, жисмонан соғлом, маънавий жиҳатдан бой ва уйғун камол топган шахсларни тарбиялаш

Маданият ва спорт ишлари вазирлигида

асраш, тарғиб этиш, музейлар, театрлар, маданият уйлари, саройлари, қишлоқ клублари, истироҳат боғлари ва бошқа маданий-маърифий муассасалар фаолиятини кучайтириш, театр, мусика, хореография, тасвирий санъат, цирк, халқ амалии ва эстрада санъатини янада такомиллаштириш, уларнинг гоёвий-бадийи ва маъна-

борасида узулқисс чора-тадбирлар режаси амалга ошириб келинмоқда. Маданий-оммавий ва байрам тадбирларини юксак савияда ўтказиш, ижодкор ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўз истеъодларини тўла намойён этишлари учун зарур шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор

қаратилмоқда. Республика маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш муассасаларини буюртмалар портфелига асосан вазирлик тизимидаги ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчилари билан таъминлаш қатъий режа асосида амалга оширилмоқда.

Жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш, аҳолини, биринчи навбатда ёшлар ва болаларни спортга жалб этиш, улар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида бир қатор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда тақвим режаси асосида таълим муассасаларида турли оммавий спорт мусобақалари ўтказиб келинмоқда.

Бундай тадбирлар вазирликнинг вилоятлардаги бошқармалари томонидан маҳаллаларда, маданият ва истироҳат боғларида аҳолининг кенг қатламлари ўртасида ҳам мунтазам йўлга қўйилган.

Давоми иккинчи саҳифада.

"ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН!"

Республика кўрик-танлови

Ватан — ота-боболаримизнинг муборак хоклари ётган табаррук замин. У бир умр севиб, ардоқлаб, кўзимизга тўтиё қилиб яшайдиган муқаддас саждагоҳимиздир. Бу дунёда ҳеч нарсага алмаштириб бўлмай-диган буюк ва бебаҳо хазинамиздир.

Ватан борки, ор-номусимиз, қадр-қимматимиз бор, гурур ва ифтихоримиз, йи-мон-эътиқодимиз мустаҳкам ва барқарор. Биз, қиндик қони шу тупроққа томган юрт фарзандлари, ўзимизни Ватандан айри ҳолда тасаввур этолмаймиз.

Ватан туйғуси, Ватан тушунчаси шундай азиз ва улуғ неъматки, ҳаёт йўлларида, огир ва машаққатли синовларда бизга ҳамиша куч-қувват бахш этиб, мардлик ва жасоратга даъват этади.

Бу ёруғ оламда ягона ва тенгсиз бўлган она — юртимиз — Ўзбекистонимизни улуғлаш, уни кўз қорачиғидек асраш, шаъну шарафини ҳимоя қилиш ва юксал-

тириш, шу олий мақсад йўлида фидо бўлиб яшаш бизнинг муқаддас инсоний бурчимиздир.

Халқимиз, авваломбор, униб-ўсиб келаётган ёш авлод қалбида ана шундай олижаноб туйғуларни камол топтириш, Ватанга садоқат, унинг тақдири учун дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган мазмунан теран, бандий етуқ қўшиқларни яратишни рағбатлантириш ҳамда уларни эл-юртимизнинг маънавий мулкига айлантириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН!" республика кўрик-танловини эълон қилади.

Танлов уч босқичда ташкил этилади:

I босқич — 2013 йил 15 майдан 1 июлгача Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрида туман ва шаҳарлар миқёсида ўтказилади.
II босқич — 1 июлдан 20 июлгача Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказлари ҳамда Тошкент шаҳрида вилоят босқичи бўлиб ўтади.
III босқич — 20 июлдан 10 августгача Тошкент шаҳрида республика миқёсида ўтказилади. Танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги мутасадди ташкилотларнинг тавсияла-

ри асосида профессионал, ҳаваскор яқка ижрочилар ҳамда бадий жамоалар қатнашиш ҳуқуқига эга. Танлов ғолиблари учта йўналиш (матн, мусика, ижро маҳорати) бўйича аниқланади ҳамда улар махсус диплом ва пул мукофотлари билан тақдирланади.
Биринчи ўрин учун (мукофот ғолиблар ўртасида тенг миқдорда тақсимланади) Энг кам иш ҳақининг 320 баробари миқдориди;
Иккинчи ўрин учун (мукофот ғолиблар ўртасида тенг миқдорда тақсимланади) Энг кам иш ҳақининг 110 баробари миқдориди.
Танловда ғолиб бўлган қўшиқлардан Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йиғирма икки йиллиги бағишлаб Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўтказиладиган байрам тантаналарида фойдаланилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, 13-қават 9-хона Театрлар ва томоша муассасалари ишлари бошқармаси. Тел: 239-41-22, 239-43-73;

Ўзбекистон Ўзвучилар уюшмаси ва Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллиги ва "Обод турмуш йили"га бағишлаб "Адабиёт байрами" тадбирлари ўтказилди.

Мазкур тадбирлар айни пайтда вилоятда ўтказиб келинаётган "Китоб байрами" тантаналарига улашиб кетди. Дастлаб Данғара туманидаги Саноат касб-ҳунар коллежиде таникли шоир ва ёзувчиларнинг туман меҳнаткашлари ҳамда ёшлари билан бўлиб ўтган учрашувида бу ерда маънавий-маърифий соҳада амалга

ФАРҒОНАДА АДАБИЁТ БАЙРАМИ

оширилаётган ишлар ҳақида эътиборга лойиқ фикрлар айтилди. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов, Ўзбекистон халқ шоирлари Анвар Обиджон, Иқбол Мирзо, адабиётшунос олимлар Умарали Норматов, Абдуғафур Расулов ва бошқа адиблар бугунги кунда мамлакатимизда адабиётга, маънавиятга бериллаётган эътибор, ёшларда китобга нисбатан иштиёқнинг ортиб бораётгани ҳақида гапирдилар. Ўзларининг янги ижодларидан намуналар ўқиб бердилар.

Кўқон шаҳридаги Урда майдонида ташкил этилган "Китоб байрами" чинакам катта сайлга айланди. Шу куни мамлакатимиздаги нашриётлар томонидан кейинги йилларда чоп этилган кўплаб турдаги бадий, илмий-оммабоп китоблар хиёбондаги кўрғазмадан жой олди.

Давоми иккинчи саҳифада.

"ГУЛ ЙИЛЛАР, БУЛБУЛ ЙИЛЛАР"

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида таникли шоир ва таржимон Абдулла Шернинг "Гул йиллар, булбул йиллар" номли китоби тақдироти бўлиб ўтди.

Шоирнинг ушбу китоби шеърхонларимиз учун муносиб тўхфадир. Китобдан ўрин олган сара шеърий асарлар, таржималар адабиётимизда ўзига хос ўрин тутувичи истеъод соҳибининг, маълум маънода, ўқувчи олдидаги сарҳисоби ҳамдир. Унинг ижод билан узвий равишда педагогик салоҳияти ҳам диққатга молиқки, тадбирда ана шулар ҳақида ҳам фикр билдирилди.

— Шеърятимизнинг олтинчи йиллар авлодиға мансуб бўлган шоир Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи каби катта истеъодлар қалам тебратган шеърят майдонида ўз овозига эга ижодкор бўлиб шаклланди. — деди адабиётшунос Улуғбек Хамдам ўз сўзида. — Бунинг учун шоир ўзида катта куч ва ижодий интизомни, маҳоратни камол топтирмоғи керак эди. Абдулла Шер ҳам шоир, ҳам олим сифатида бунинг улдасидан чиқди ва гўзал шеърят барпо эта олди. Дарҳақиқат, шоирнинг шу кунгача нашрдан чиққан ўнлаб шеърий китоблари, таржималари ва фалсафа илмиға оид асарлари бу фикрларни тасдиқлайди.

Тақдиротда таникли ижодкорлар, олимлар, адабиётшунослар Тўра Норбоев, Мирпўлат Мирзо, Қозоқбой Йўлдошев, Зухриддин Исомиддинов, Муҳиддин Омон ва бошқалар Абдулла Шер ижодининг ўзига хос жиҳатлари хусусида сўз юритишди. Тақдирот давомида шоир ўзининг янги шеърларидан ўқиди, берилган саволларға жавоб қайтарди.

Давоми иккинчи саҳифада.

Тақдирот

Даврон РАҲАБ

Музейлар халқимизнинг тарихий, маданий, илмий ва маънавий қадриятларини тўплайди, сақлайди ва намойиш этади. Музейларга энг кўп таширф буюрадиганлар болалар ва ўқувчилар бўлишига қарамай, авваллари барча музей экспозициялари бу муҳим ҳолатга жиддий эътибор бермас эди. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, музейларда халқимиз тарихи, маданияти, санъати қадриятлари холисона акс эттирилади.

Аждодларимиз бизга мерос қилиб қолдирган моддий-маданий ёдгорликлар тикланди ва абадийлаштирилди. Ёшларга она юртимиз тарихини нафақат дарсликлар, ўқув қўлланмалари, балки музей ёрдамида ҳам чуқур ўргатиш ва тарғиб этиш илмий йўлга қўйилди.

Президентимизнинг "Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва тақомиллаштириш тўғрисида"ги Фармонида таъкидланганидек, музейларни замон талабларига мос юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаб, жаҳон музейшунослиги тажрибаларини қўллаш зарур шарт-шароитлар яратиш долзарб

ўқувчилар билан ҳамкорликка мўлжалланган музей фаолиятининг бир йўналиши сифатида талқин этилган. Айна шу музейшунослар музейнинг маърифий маскан сифатидаги аҳамияти ғоясини шакллантириди ва таширфчи билан мулоқотда янги усулларни тақлиф этди.

Бугун музей педагогикаси олдидан турган вазифалар кўпқиррали бўлиб, таширфчиларни музей масканда намойиш қилинаётган воқеа ва ҳодис

МУЗЕЙ ТАФАККУРНИ БОЙИТАДИ



Ўзбекистон тарихи давлат музейи.

вазифалардан бирига айланди. Хусусан, музейшуносликка замонавий техник воситаларни таътиб этиш, улардан самарали фойдаланишга оид дастурлар ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан биридир.

Эндиликда, XXI аср музейлари фаолиятига назар ташласак, улар экспозициялардаги бир хиллик, ўзгармас кўргазмалар ва зерикарли экскурсиялардан воз кечиб, янги йўналишларда фаолият кўрсатмоқда. Яъни музей педагогикасининг йўлга қўйилиши алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда.

Музей педагогикаси нима ва у нима учун керак?

Музей педагогикаси — педагогика, психология ва музейшуносликнинг ўзаро уйғунлиги натижасида шаклланган фан йўналиши ҳисобланади. Дастлаб музей педагогикаси тушунчаси XX аср бошларида Германияда шаклланган. Уни ҳаётга таътиб этишда А.Лихтварк, А.Рейхенвен ва Р.Фройденталларнинг хизматлари бекиёсдир. Аввалига бу соҳа

саларни ҳис этишга, эшитишга, мулоҳаза қилишга ва сабоқ олишга ўргатади.

Музейда авлодлар учрашуви ва мулоқоти учун шарт-шароит яратиш эса яхшилик ва ёвузлик, донолик ва нодонлик, ҳақиқат ва бўхтон каби тушунчаларнинг моҳиятини англашда муҳим аҳамият касб этади. Энг муҳими, ёшларимизнинг музейларга таширфи орқали уларда ватанпарварлик, миллий ғурур туйғуларини шакллантирилади.

Музейнинг мактаб билан узвий алоқалари мустаҳкамлаётгани, турли фанлар бўйича очик ёки маълум бир мавзуга бағишланган маърузалар асосида дарслар ўтиляётгани ўқувчиларга синфда сабоқ олишдан фарқли ўлароқ мавзу билан эркин мулоқотда бўлиш имконини беради. Яъни, ўқувчилар дарсликдан ташқари музейда кўрган, эшитганларидан маълумот олишга, уларни таҳлил қилиш ҳамда ўзининг мустақил фикрини айта олиш имкониятига эришади. Бу эса, ўз навбатида

ёшлар тафаккури шаклланишида, маълумотлар базаси кенгайишида ва мустақил фикрлашга ўрганишда муҳим босқич ҳисобланади. Колаверса, ўқувчилар ўтилган мавзунинг узок муддат хотирада сақлаб қолишга эришадилар. Чунки инсон хотирасида ўқишга нисбатан, кўриб эслаб қолиш қобилияти кучлидир. Кўпгина мамла-

ди, балки турли машғулотларни бажариш, бошқа болалар билан ҳамкорликда ишлаш, қизиққан экспонатларини қўллари билан ушлаб ёки ясаб кўриши мумкин.

Болалар музейининг бир бўлими "Ёш археологлар" деб номланган. Ушбу бўлимда болалар қадимшуносликка оид материалларни кўриш-

18 май — Халқаро музейлар куни

катларда мактаб ва музейлар биргаликда фаолият кўрсатиб, баъзи ўқув даргоҳларида ҳам музейшунослик фани дастурга киритилган ва махсус ўқитувчилар тайинланган.

Музейшуносликнинг замонавий йўналишларидан бири музей педагогикаси мамлакатимизда ҳали ўзининг тўлиқ имкониятларини очиб улгурмаган. Жиддий изланиш ва таж-

ри, ўзларининг ижтимоий фаолликларини ошириш учун тренингларда иштирок этишлари мумкин. Эскурсия жараёнида ўтмишга саёхат қилиш имкониятига эга бўлиб, тангаларни топиш, тангадаги ҳукмдорнинг номи ва даврини аниқлаш, аждодларимиз фойдаланган энг қадимги меҳнат курулларини амалда синая кўриш имкониятлари мавжуд.

"Ёш кулол" бўлимида эса Ватанимиз ҳудудидаги кулолчилик куртаклари пайдо бўлган вақтдан то шу кунгача бўлган даврдаги кулолчилик сирлари ҳақида батафсил маълумот олиш мумкин. "Ёзув тарихи" бўлимида болалар қадимги Ўзбекистон ҳудудидаги ёзув тарихи бўйича қизиқарли маълумотлар билан танишиши ва қадимий ёзув турлари: оромий, сўғд, юнон, араб ва бошқа турли ёзув усулларида ўзлари ҳам ёзиб кўришлари уларда ҳорижий тилларга бўлган қизиқишини оширади.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган барча музейларда асосий таширфчиларнинг 70-80 фоизини ёшлар ташкил этади. Демак, музейлар қрошида кўплаб болалар музейлари ва марказларини ташкил этиш лозимлигини давр тақозо қилмоқда. Ҳақиқатан ҳам бундай музейлар таълим тизими ва музей ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозир музейларимиз олдидан имконияти чекланган инсонларни жалб этиш, улар учун махсус кўргазмалар ташкил этиш, ҳаракатдаги музейлар фаолиятини амалга ошириш, ўқитувчилар учун музей қошида махсус курслар ташкил этиш, халқимизнинг дунё бўйлаб тарқали кетган моддий-маънавий меросининг умумий рўйхатини тузиш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик асосида ривожланган маданий мерос объектларини топиш, таъмирлаш ва тарғиб этиш каби вазифаларни бажариш маъсулияти турибди.

Хулоса қилиб айтганда, бугун музейлар асосан ёшларнинг қизиқиши ва талабини қондирувчи, тарих билан юзма-юз туриб эркин мулоқотга киришига имкон берувчи, баркамол авлодни шахс сифатида тарбияловчи маърифий масканга айланмоғи лозим.

Жаннат ИСМОИЛОВА,
Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори

«НАВРЎ САДОЛАРИ»

Ўзбекистон давлат консерваториясининг катта залида кўп овозли миллий чолғу ансамблининг "Наврў садолари" VI республика фестивали бўлиб ўтди. "Обод турмуш йили" ва "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасининг йигирма йиллигига бағишланган мазкур фестивалда эллик тўртдан ортик жамоанинг мингдан зиёд иштирокчилари қатнашди. Фестивалнинг очилиш маросимида сўзга чиққан "Соғлом авлод учун" Халқаро жамғармаси бошқаруви раиси Светлана Иномова бундай тадбирлар болалар қалбида ватанпарварлик, она-юрта садоқат, қадриятларимизга ҳурмат ҳислатлари шаклланишида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

— Бундай фестиваллар ёшларимизнинг мусиқага муҳаббатини мустаҳкамлайди, иқтидорини тоблайтиди ва маҳорати ўсишига туртки



бўлади, — деди консерватория ректори Оқилхон Иброҳимов. — Шунингдек, бу каби тадбирлар миллий чолғуларимиз ижрочилиги учун етук

қадрлар тайёрлашга замин яратади.

Фестивал шартига кўра жамоалар миллий мунот мусиқалардан ва жаҳон композиторларининг асарларидан намуналарни маҳорат билан ижро этдилар. Айниқса, Тошкент шаҳридаги 478-, 366-, Андижон вилоятидаги 21-мактабгача таълим масканларининг жажжи болажонлари ўзларига мос чолғу асбобларида катталардан қолишмай мусиқа ижро этишлари тадбир қатнашчилари ва меҳмонларни ҳайратга солди. Тадбир давомида устоз ва шогирд аънавалари доирасида маҳорат дарслари ўтказилди. Ҳакамлар хайъати хулосасига кўра, Шўрчи ва Бувайда туманлари болалар мусиқа ва санъат мактаблари, Фарғона санъат коллежи ансамбли, Глиэр номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академияси лицейи ўз йўналишлари бўйича биринчи ўринга сазовор бўлдилар. Фестивал якунида ғолиб жамоалар ташкилотчиларнинг дипломи ва совғалари билан тақдирланди.

Адолат ҚҮЛДОШЕВА,
консерватория талабаси

МУСИҚА ФЕСТИВАЛИ

Консерваторияда Ўзбекистон халқ артисти, танкичи хор дирижёри Ботир Умиджоновнинг 80 йиллигига бағишлаб хор мусиқаси фестивали бўлиб ўтди.

Б.Умиджонов «Ўзтелерадио» қошида илк бор овозли асарларни куйловчи ўзбек миллий хорини ташкил этган. Утган йиллар давомида бадий раҳбар ва режиссёр сифатида нафақат ўзбек, балки озарбойжон, қозоқ, тожик, туркман каби кўплаб халқлар мусиқа санъатига мурожаат этиб, уларга сайкал берди ва профессор, кўп овозли "академия" жанрида қайта ишлади. Уларнинг 500 дан ортки радионинг олтин фондида жамланган.

Хор жамоаси байрам тадбирлари ва турли анжуманларда, хусусан, Олмаотада ўтган

"Осиё мусиқа минбари", Самарқанда ўтказилган халқаро мусиқашунослик симпозиумлари, Таллинда ўтган профессорлар хор жамоалари фестивалида муваффақиятли қатнашди.

Радио тўлиқларидан хор ижросида "Илилла ёр", "Қиллилама ёрим", "Дилиман", "Бахт нури" ва каби кўплаб халқ қўшиқлари янграйди. Юздан ортик шундай асарлар ҳозир профессор, ўқув ва ҳаваскор хор жамоалари репертуаридан жой олган.

Хотира тадбирини ҳозир Дилбар Маликова дирижёрлик қилаётган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган хор жамоаси оиди. Ўзбекистон давлат хор капелласи, консерватория қошидаги Мусиқий театр-студия ва талабалар хори, Санъат

ва маданият институти талабалар хори, Х.Олимжон номидаги маданият саройининг "Мелодия" фахрийлар хор жамоаси, Навоий шаҳар "Фарҳод" маданият саройи халқ академик хор капелласи томонидан ижро этилган ранг-баранг дастур томошабинларда катта таассурот қолдирди.

В.Успенский ва Р.Глиэр номидаги лицейлар, Ю.Ражабий номидаги коллеж, республика Тасвирий санъат академияси қошидаги тасвирий санъат академик лицейи, "Булбулча" ансамбли ва бир қатор болалар мусиқа ва санъат мактаблари хор жамоаларининг янги дастурлари тадбирга файз киритди.

Нилуфар ПАРДАЕВА

УСТОЗ ВА ШОГИРДЛАР

Ўрол Тансиқбоев уй-музейида "Ҳаким Мирза-аҳмедов ва унинг шогирдлари" номли кўргазма очилди. Унда 28 мавзунининг бир юз элликка яқин асарлари намойиш этилмоқда. Турли авлодга мансуб мусаввирларнинг асарлари мавзу йўналиши, услуби ва техникаси билан бир-бирдан фарқ қилмади. Бироқ бу ижодкорларни устозлари Ҳаким Мирзааҳмедов номи бирлаштириб туради.

— Рангтаъбир бўйича устозим Ҳаким ака шогирдларини қузатишга, эшитишга, сезишга ва буларнинг ҳаммасини ранглар, чизиклар ўйини, мато юзаси, нуру ва соялар ўзгариши каби кўплаб нозик усуллар орқали талқин этишга ўргатган, — дейди унинг шогирди, таниқли расом Любов Тюрра. — Устоз бизга фикрлаб туриб чизиш сабоғини берган.

Устоз ва шогирдларнинг суратлари ўзбек тасвирий санъатида кечаётган жараёнларни теран ифода этади.

Ситорабону ТОЛИБЖОНОВА

КУДИБ ТУРГИН, БОЛАЖОН

Беғубор болаликнинг рангин олами "Камалак жилоси" кўрик-танловига намойиш этилган расмларда ўз аксини топди. Ҳар йили Республика "Меҳрибонлик" уйлари тарбияланувчилари ўртасида ўтказиб келинаётган ушбу анъанавий кўрик-танлов "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, Халқ таълими вазирлиги, "Сен ёлғиз эмассан" жамғармаси ҳамкорлигида уюштирилди.

Танловнинг якуний босқичига "Меҳрибонлик" уйлари билан бир ярим минг нафар тарбияланувчиларининг вилоятларда ғолиб чиққан юздан ортик акварел расм ва саксондан зиёд амалий санъат асарлари тақдим этилди. Кўрик-

(15 ёш) матога ялтироқ бисер ёрдамида кувноқ филча образини тиккан. Бобошер Мавлонов эса матога оддий қамиш пайраҳалари ёрдамида афсонавий Фарҳод қиёфасини муҳрлашга эришган...

Хуллас, ҳар бир иштирокчи ўз асарини қалб кўри ва меҳр-муҳаббат билан яратган. Баъзиларнинг ишлари эса усталарникидан қолишмайди. Жумладан, "Сигир соғайтган аёл" композициясини кулолчилик хунари намунаси, деса бўлади. Муаллифлар Ихтиёр Комилжон-



танловни ўтказишдан мақсад болалар қалбида санъат ва маданиятга меҳр-муҳаббатни ошириш, иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларда тасвирий санъат, бадий ижода қизиқиш ва эътиборни мустаҳкамлашдир. Йилдан-йилга мазкур танловнинг нуфузи ортиб бораётгани ҳакамлар хайъати томонидан таъкидланди.

Кўргазмадан ўрин олган амалий ҳамда тасвирий санъат асарларида болаларнинг қалб кечинмалари, халқимизга хос азалий қадриятлар, борлиққа меҳр-муҳаббатнинг содда талқинлари тасвирланган. Болалар асосан ёрқин ранглардан кенг фойдаланишган. Атрофидидаги оламда оқ, қизил, яшил, кўк рангларнинг кўплиги болалар кўриб-таниган тасвирларнинг асоси бўлиб қолган. Дастлаб болаларнинг кўзи тасвирланган оламда оқ, қизил, яшил, кўк рангларнинг кўплиги болалар кўриб-таниган тасвирларнинг асоси бўлиб қолган. Дастлаб болаларнинг кўзи тасвирланган оламда оқ, қизил, яшил, кўк рангларнинг кўплиги болалар кўриб-таниган тасвирларнинг асоси бўлиб қолган.

Кўргазма запариди

— Она-бола, табиат ва отлар суратини чизишни яхши кўраман, — дейди Достонбек Бердиев. — ~~Катта бўлсам асар бўлиб~~ Ватанимни ҳимоя қиламан. Бу кўрик-танловда биринчи иштирокчим. Кейинги йил яна ғолиб бўлишга ҳаракат қиламан.

— Тўққиз ёшимдан расм чиза бошладим, — деди Отабек Алибе-



О.Алибеков. "Биз бахтли болаларимиз".

ков, Қорақалпоғистон Республикасидаги 1- "Меҳрибонлик" уйи тарбияланувчиси. — Кўпроқ оқ, қизил, яшил ранглардан фойдаланаман. Бу ранглар одамларга яхши кайфият беради. Оқ ранг келажикда расом бўлиб, одамларга манзур асарлар яратиш.

Ҳакамлар хайъати хулосасига кўра, тасвирий ва амалий санъат йўналиши бўйича ўн икки нафар иштирокчи ғолиб деб топилди. Танловнинг ўн та номини буйича ҳам ғолиблар аниқланди. Кўргазма давомида Тошкент шаҳри "Меҳрибонлик" уйлари иқтидорли тарбияланувчилари ўртасида тезкор расмлар кўрик-танлови ҳам ташкил этилди. Ғолиблар ҳомийларнинг қимматли совғалари ва дипломлари билан тақдирландилар.

Сарвара ҚОСИМОВА

МЎЪЖИЗАЛАР ДАВРИ

Ўзбекистон маданияти ва санъати кўргазмасида "Мўъжизалар даври" деб номланган хайрия ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда алоҳида қаровга муҳтож бўлган болалар ва катта ёшдагилар, кўплаб меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўз ижод намуналарини намойиш этиб, ёрқин иқтидорлари билан йиғилганларни хурсанд қилдилар.

"Меҳр билан ишланган" номли кўлда тайёрланган буюмлар кўргазмаси доирасида ўтган мазкур тадбирда Лола Йўлдошева, Алихон, "Марказ" каби эстрада хонандалари ва гуруҳлари қатнашди. Концерт давомида имконияти чекланган болажонларнинг турли акробатик машқларни бажаришлари, баланд ноталарда куйлаб, рақс тушишлари йиғилганларни бефарқ қолдирмади.

Таъбир

